Биноларнинг модернизация ёки капитал ремонт килинаётган шовкин утказмаслигига эътибор бериш керак ва СНИП талабларига риоя қилиш шарт. Шовкин утказмасликни уйларда текшириш натижасида аниқланади. Гост бўйича 15-116-79. Хоналар текшириш натижасида шу талабларга жавоб бермаса деворни 1 ёки 2 томонидан плиталар териб чиқиш керак. Орасида хаво оралиги 40-50 мм бўлиши шарт. Плиталар гипсдан ёки ёғочдан бўлиши мумкин. Шу плиталар канчалик енгил ва катлам-катламдан иборат бўлса, шунчалик яхши (зичлиги 35-70 кг/м³ бўлиши керак).

Уйларни ёки биноларни куёш нуридан саклаш. Уй-жойларни модернизация лойиҳаларини қилаётган вақтда факатгина ич қуринишини узгартирибгина эмас, ташқи қуринишини ҳам узгартириш керак ва архитектура томонидан куёшдан саклаш жиҳозларига эътибор бериш керак.

IV климатик районда уй-жой биноларнинг куёшдан саклаш асосий талаблари:

- хоналарга куёшдан саклаш учун ускуналар урнатиш
- инсоляция нормаларига жавоб бериш керак
- хоналарга табиий ёруғлик тушиши керак.

Калит сузлар: шовкунга каршилик, куёш нуридан саклаш асосий қурилмалар.

Саволлар

1. Квартиралари модернизациясида совуққа чидамлилигини таъминланиши.
2. Қайси мақсадда куёш нуридан саклаш қурилмалар урнатилади.

Адабиёт

1. КМК 2.08.01-94 «Турар жойлар», Тошкент 1995.
2. «Реконструкция зданий и сооружений» (Под ред. А.Л. Шагина) М, Высшая школа, 1991
3. Поляков Л.Д. «Реконструкция и капитальный ремонт зданий и сооружений». Киев, УМ. КВО, 1989.
4. КМК 2.08.02-96 «Общественный здания и сооружения» Ташкент 1997.

САОНАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ РЕКОНСТРУКЦИЯСИ

Режа

1. Ишлаб турган корхоналарни техника жихозлар билан таъминлаш.
2. Саноат корхоналарининг чидамлилиги ва эскириши.
3. Ишлаб чиқариш саноат корхоналарининг реконструкция хусусиятлари.
4. Саноат биноларини ва иншоотларини реконструкция қилиш заруриятлари.

Корхонада янги маҳсулот чиқариш учун, одамларнинг меҳнатни енгиллаштириш учун. Маҳсулотни қупайтириш учун, сифатини яхшилаш учун завод ва фабрикаларни реконструкция қилинади. Маҳсулот сифатини ошириш учун шу корхонага янги механизациялаштирилган ва автоматли ускуналар урнатиш керак. Лекин шу янги ускуналарни жойлаштириш учун шу корхонани кенгайтириш керак бўлади. Корхонани реконструкцияси деб шу корхонани узгартириб керак бўлса шу бинони кенгайтириб одамлар сонини саклаб қолиб, уларнинг меҳнатини енгиллаштириш қиради.

Ишлаб турган саноат корхонасини техника билан жихозлаш ва таъминлаш. Ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари маҳсулоти эскиланганда ва замонавий талабларга жавоб бера олмаса унда шу корхонада замонавий асбоб ва ускуналар урнатилиши керак. Янги технология, механизация, автоматизация қилиниб ва эски асбоб-ускуналарни янги асбоб-ускуналар билан алмаштириш керак. Янги техника билан таъминлашдан мақсад чиқаётган маҳсулот сифатини ошириш, номенклатурасини ёки ассортиментини қупайтириш ва умуман корхонани қувватини ошириш.

Саноат корхоналари чидамлилиги ва эскириши. Бинони текшириб чиқиш натижасида шу бинони реконструкция қилиш ёки бузиш, узгартириш қиритиш шу бинонинг эскириш даражасига боғлиқ (ступень износа). Практика шуни курсатадики қурилиш конструкцияларига эксплуатация вақтида ҳар хил факторлар таъсир қилиши мумкин. Ишлаб чиқариш маҳсулот сони оширилганда баланд температура қуп ишлатилади ва агрессив муҳит ҳосил бўлади. Бу ҳам эса конструкцияларни эскиришига олиб келади. Конструкцияларни бузилиши, зарар етиш ва физикавий емирилиши саноат биноларининг ва иншоотларининг қуйидаги турларга классификация қилиш мумкин:

1. Коррозияли механик процесслари асосий конструкцияларга таъсир қилиши
 2. Бинони қайта тиклаш қуп меҳнат талаб қилади
- Бинонинг маънавий эскириши икки формада бўлади:
1. Қандайдир вақт ичида олдинги нархи қамайиши
 2. Этажларнинг баландлиги узгариши (колонналар сеткаси узгариши).

Ишлаб чиқариш саноат корхоналарининг реконструкция хусусиятлари. Ишлаб чиқариш корхоналарининг реконструкция қилинаётганда қуйидаги масалалар ҳал қилинади:

1. Модернизация килиниб ва бинонинг функционал ишлашини узгартирилиши билан шу бинонинг планировка структураси узгартирилади
2. Корхонанинг янги талабларига кура юк кутарадиган конструкциялар ва ташкарига караган конструкцияларни эксплуатацион сифатини ошириш
3. Бинонинг асосий параметрларини узгартириш (конфигурация планини хоналарнинг баландлигини ва умуман корхонани кенгайтишини инобатга олиш)
4. Мухандис тизимларининг модернизацияси (корхона модернизация килинаётган вақтда мухандис тизимлар ҳам узгартирилиб ва замонавий талабларга жавоб бериши керак).
5. Бинонинг ташки курилишини узгартириш архитектура талабларига жавоб бериши керак

Саноат биноларининг реконструкцияси купинча техник асбобларни янгилаш ёки узгартириш кераклиги учун килинади. Реконструкция вақтида конструкцияларни демонтаж (бузиш) конструкцияларни булак-булакга ажратиш, уринлардан кучириш керак булади. Янги бино куриляётганда эса бундай ишлар килинмайди.

Саноат бинолари ва иншоотларини реконструкция килиш зарурияти. Хозирги замонда чиқадиган махсулотларга талаблар жуда кучайган. Корхоналарнинг ичидаги техник линияларни киска муддат ичида ва махсулотнинг номенклатурасини купайтириб бино ва иншоотнинг узгартирмасдан колдириш керак. Масалан: машинасозлик саноатида асбоб-ускуналар узгариши 10-15 йилга мулжалланган. Кимё саноатида эса 6-8 йилга мулжалланган. Электр саноатида эса 5 йилга. Бинонинг чидамлилигини инобатга олганда технология камида 3-5 марта узгариши лозим, бир хил корхоналарда эса бу муддатдан ҳам тез узгартирилади.

Калит сузлари: саноат корхоналари, махсулот сифати, номенклатура, ассортимент, физикавий емирилиш.

Саволлар

1. Нима максадда саноат корхоналари реконструкция килинади?
2. Ишлаб турган саноат корхонасини янги техника жихозлар билан таъминланиши кандай олиб борилади?
3. Саноат корхоналарининг чидамлилиги ва эскириши кандай аникланади?
4. Ишлаб чиқариш саноат корхоналарининг реконструкцияси кандай хусусиятларга эга?
5. Саноат бинолари ва иншоотларини реконструкция килишнинг кандай зарурати бор?

Адабиёт

1. КМК 2.08.01-94 «Турар жойлар», Тошкент 1995.
2. «Реконструкция зданий и сооружений» (Под ред. А.Л. Шагина) М, Высшая школа, 1991
3. Поляков Л.Д. «Реконструкция и капитальный ремонт зданий и сооружений». Киев, УМ. КВО, 1989.
4. КМК 2.08.02-96 «Общественный здания и сооружения» Ташкент 1997.

БИНО ВА КОНСТРУКЦИЯЛАРНИНГ ДИАГНОСТИКА ТУРЛАРИ

БИНО ВА ИНШОТЛАРНИНГ ДЕФОРМАЦИЯСИНИ АНИКЛАШ

Режа

1. Бинолар ва конструктив элементларда буладиган деформация турлари?
2. Умумий деформациялар.
3. Махаллий деформациялар.
4. Биноларни нотекис чукиши сабаблари.
5. Биноларни киялигини аниклаш сабаблари.

Бинони текшириш натижасида аникланган узгаришларни ёки деформацияларни 2 турга булиш мумкин:

1. Умумий
2. Махаллий (местный)

Умумий деб конструкция ёки иншоотлар узида булган умумий узгаришларга айтилади.

Махаллий деб бу конструкцияни бир кисми ёки битта конструкцияни узида ёки бириктирилган жойда булган узгаришларга айтилади.

Умумий деформациялар купинча бино бир текис чукмаса аникланади.

Бинони нотекис чукишига куйидагилар сабаб булади:

1. Лойиха килинаётган вақтда хатолар булса, асосан конструкцияларнинг юк кутариш қобилятини нотугри аниклаш
2. Эксплуатация шароити узгарганда
3. Грунтларнинг намланиши
4. Сув ва иссиқ сув таъминлаш системаларининг аварияси.

Бинони чукишини реперлар ва осадочный маркалар ёрдамида аникланади. Таянч реперларини мустаҳкам булган асосларга жойлаштирилади. Реперларни бинонинг атрофида 30-120 м масофада жойлаштиради.

Бинони ёки иншоотни киялигини (крен) куйидаги усуллар билан аниклаш мумкин:

1. Ёрдам берувчи нуктани лойихалаш ёрдамида
2. Горизонтал бурчакларни белгилаш билан
3. Ён томондан невилировкалаш

Кренометр ва клинометр приборлари ёрдамида бинонинг киялигини аниклаш мумкин.

Конструкция ва иншоотлар силжишини теодолитлар ёрдамида аникланади.

Калит сузлари: деформация, конструкциянинг юк кутариш кобилияти, умумий деформация, махаллий деформация, эксплуатация шароити, грунтларнинг намланиши, кренометр, клинометр.

Саволлар

1. Бино ва конструктив элементларни деформацияси буйича кандай турларга булинади?
2. Умумий деформация кандай булади?
3. Махаллий деформация каерда булиши мумкин?
4. Биноларнинг киялигини кандай усулда аниклаш мумкин?

Адабиёт

1. КМК 2.08.01-94 «Турар жойлар», Тошкент 1995.
2. «Реконструкция зданий и сооружений» (Под ред. А.Л. Шагина) М, Высшая школа, 1991
3. Поляков Л.Д. «Реконструкция и капитальный ремонт зданий и сооружений». Киев, УМ. КВО, 1989.
4. КМК 2.08.02-96 «Общественный здания и сооружения» Ташкент 1997.

АЙРИМ КОНСТРУКЦИЯЛАРНИ ДЕФОРМАЦИЯСИНИ АНИКЛАШ

Режа

1. Махаллий деформация
2. Конструкцияларни эгилиши
3. Темир бетон конструкцияларнинг рухсат этилган чегаравий эгилиш киймати
4. Пулат конструкцияларнинг рухсат этилган чегаравий нисбий эгилиш киймати
5. Биноларнинг ва бино конструкцияларда ёрикларни аниклаш.

Махаллий деформацияларни конструкцияларни ва уларни кисмларини эгилиш ва бурчак узгаришлари киради. Бундай деформациялар хар доим булади. Лекин улар белгиланган чегарадан ошиб кетиши керак эмас. Конструкцияларни прогибларини кандайдир нисбий нуктага нисбатан аникланади. (невилирлар ёрдамида)

Геометрик невилирлаш килинаётган вактдан размерларни невилирлар ва рейкалар ёрдамида килинади. Хар бир нуктадан олинган размерларга асосланиб

прогибларни графиги чизилади. Гидравлик невилир (прогибомер) трубкалар ёрдамида аникланади. Бу трубкалар узаро резина шланглар билан бириктирилади.

Темирбетон конструкцияларнинг рухсат этилган чегаравий эгилиш кийматлари

Конструкция элементлари	Рухсат этилган чегаравий эгилиш
1. Кранлардаги кран ости тусини: кул билан ишлайдиган электрик	L / 500 L / 600
2. Текис шифтли ораёпмалар. Том ёпма элементлари ораликлари, (м):	
$L < 6$	L / 200
$6 < L \leq 7,5$	3 см
$L > 7,5$	L / 250
3. Ковурга шифтли ораёпмалар ва зинапоё элементлари, ораликлари, (м):	
$L < 5$	L / 200
$5 \leq L \leq 10$	2,5
$L > 10$	L / 400
4. Ишлаб чиқариш вазифасидаги кишлоқ хужалик биноларининг том ёпма элементлари, ораликлари:	
$L < 6$	L / 50
$6 \leq L \leq 10$	4 см
	L / 250
5. Осма девор панеллари (текисликдан хисоблаганда), ораликлари, (м):	
$L < 6$	L / 200
$6 \leq L \leq 7,5$	3 см
$L > 7,5$	L / 250

Эслатма:

L – плита ёки тусинлар оралиги. Рафаклар (консоль) учун рафакнинг чиқиб турган қисмини (выступ) икки бараварига тенг кийматини қабул қиламиз.

Пулат конструкцияларнинг рухсат этилган чегаравий нисбий эгилиш кийматлари.

Конструкция элементлари

Элементларнинг нисбий эгилиши (ораликларга)

1. Кранлар тагидаги кран йулининг ферма ва тусинлари:
 - енгил режимли ишлар (кулда ишлайдиган кранларни, тельферлар ва толлар хисобга олинади); 1 / 400
 - урта режимли ишлар; 1 / 500
 - огир ва ута огир режимли ишлар. 1 / 600
2. Том ёпма ва чордаок ораёпмаларининг ферма ва тусинлари:
 - юк кутарувчи осма кутарувчи транспорт ёки технологик ускуна; 1 / 400
 - юк кутарувчи осма ускуна; 1 / 250
 - таянч (прогоны); 1 / 200
 - профелланган тушама (настил); 1 / 150

Конструкцияларни дефектоскопияси. Биноларнинг ва бино элементларидан ёриклар характерини аниклаш.

Хом ашё ёки конструкцияларни дефектоскопиясига хар-хил дефектларни аниклаш киради, макро ва микро ёриклар, бушликлар ва хар-хил инородный жисмлар кириб қолиши. Деформация усуллари ёрдамида бетонни бузмасдан арматурани конструкцияда жойлашишини аниклаш ва металл конструкцияларни киркимини аниклаш мумкин.

Бетонда ва пулатда дефектларни аниклаш учун куйидаги усуллар булади:

Ультразвуковой дефектоскопия. Бундай ультра-товуш методлар билан импульс излученияга асосланиб аникланади.

Метод ЭХО. Бу уз тулкин асосида утказилади. Сквозное прозвучивание.

Бу методлар ёрдамида конструкцияда куринмаган дефектларни аниклаш мумкин. МПБ-2 ва прибор « МИР » ёрдамида аниклаш мумкин. Ёрикларни чукурлигини игна ёрдамида проволоочный щуп ёрдамида аникланади.

Калит сузлар: конструкцияларнинг эгилиши, геометрик невилир, гидравлик невилир, макро ва микроёриклар, ультра-товуш усул.

Саволлар

1. Махаллий деформация каерда булади?
2. Темир бетон конструкцияларда рухсат этилган чегаравий эгилиш кандай булади?
3. Бино ва унинг конструктив элементларида ёриклар характери кандай аникланади?

Адабиёт

1. КМК 2.08.01-94 «Турар жойлар», Тошкент 1995.
2. «Реконструкция зданий и сооружений» (Под ред. А.Л. Шагина) М, Высшая школа, 1991
3. Поляков Л.Д. «Реконструкция и капитальный ремонт зданий и сооружений». Киев, УМ. КВО, 1989.
4. КМК 2.08.02-96 «Общественный здания и сооружения» Ташкент 1997.

КОНСТРУКЦИЯЛАРДАГИ АШЁЛАРНИНГ МУСТАХКАМЛИГИНИ БУЗУЛМАЙДИГАН МЕТОД ЁРДАМИДА АНИКЛАШ

Режа

1. Механик усуллар
2. Физик усуллар
3. Натур синаш.

Бино ва иншоотларнинг конструкцияда ишлатиладиган ашёлар механик, физик хусусиятларини мустахкамлигини, деформативлигини аниклашда бузилмас методлар энг яхши кулланилади.

Асосий методлар:

1. Механик методлар
2. Физик методлар.

Механик методлар. Механик методлар ичидаги энг куп таркалган:

А) Пластик деформация методи. Бу метод мустахкамлик ва бетоннинг устки каватигача тушган из билан узаро боглик булади. Бетоннинг устки каватидаги тушган из статик ёки динамик куч таъсирида колиши мумкин.

Б) Узилишга синаш методи. Бу метод узулиш булган мустахкамликни аниклаб кандайдир куч таъсирига боглик. Бунинг учун бетоннинг танасига утиб ва махсус анкерлар жойлаштириб кейин керакли булган асбоблар ёрдамида узилишгача булган мустахкамлик аникланади. Яна бир усул: пулатдан ясалган диск ёки квадратни ипоксит клей асосида бетоннинг устки кисмига ёпиштириб аникланади.

В) Пружинали болгача ёрдамида аникланадиган мустахкамлик. Пружинали болгочанинг кайси куч билан бетоннинг танасига урилиб ва сакраб кетишига караб мустахкамлик аникланади.

Физик методлар.

1. Импульс методи
2. Радиоизотоп методи:

а) импульс методларидан энг куп таркалгани ультразвук (УЗ) метод хисобланади. Бу метод ультразвук бетоннинг танасидаги таркалган вақтини аниклаб кейин тезликни аниклаб мустахкамлик топилади;

б) радиоизотоп методи гамма луч бетоннинг ичида таркалиб бетоннинг мустахкамлиги аникланади. Хатоларни камрок килиш .

Бетоннинг мустахкамлигини бузилмайдиган методлар асосида аниклаб, бетоннинг танасида тугри шаклда намуна олиб (куб, цилиндр). Лекин мустахкамликни хатосиз аниклаш учун бу методга паралел комплекс бузилмас метод (физик ва механик) ёрдамида аникланади.

Натур синаш. Эксплуатация қилинаётган бино ёки иншоотни текшириш натижасида шу қурилиш конструкцияларнинг материалнинг мустахкамлигини хисоблаш схемалари ёрдамида ва шу конструкцияга таъсир қиланидаг қучларни инобатга олиб мустахкамлигини аниклаш мумкин. Лекин бир хил вақтда шу конструкцияни мустахкамлигини аниклаш учун конструкциядан намуна олиб ва уларни лабораторияда синалади ёки фрагмент синалади (проект ҳолат ва демонтаждан кейин). Проект ҳолатда конструкцияни бузилишгача олиб борилмасдан контрол хисоб асосида юкланган қучга қараб аникланади. Бу ерда эгилишлар инобатга олинади ва дарзлар ҳосил бўлишига қаралади. Демонтаждан кейин конструкциянинг мустахкамлиги жуда кам вақтда аникланади. Бундай ишлар қўпинча реконструкция вақтида қилинади. Бундай синашлар махсус стендларда лабораторияларда қилинади.

Калит сузлари: мустахкамлик, механик усул, физик усул, пластик деформация, узилишга синаш усули, пружинали болгача, импульс усули, радиоизотоп усуллари, натур синаш, фрагмент.

Саволлар

1. Қандай синашлар механик усулга қиради?
2. Қандай текширишлар физик синашга қиради?
3. Натур синаш қандай ва қарларда қўлланилади?

Адабиёт

1. КМК 2.08.01-94 «Турар жойлар», Тошкент 1995.
2. «Реконструкция зданий и сооружений» (Под ред. А.Л. Шагина) М, Высшая школа, 1991
3. Поляков Л.Д. «Реконструкция и капитальный ремонт зданий и сооружений». Киев, УМ. КВО, 1989.
4. КМК 2.08.02-96 «Общественный здания и сооружения» Ташкент 1997.

КОНСТРУКЦИЯЛАРНИНГ ХОЛАТИНИ АНИКЛАШ. КОНСТРУКТИВ ЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ ЕДИРИЛИШ ДАРАЖАСИНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Режа

1. Конструктив элементларнинг едирилиши.
2. Фундамент ва асосларни текшириш.
3. Грунтларнинг физик механик хусусиятлари.

Бино ва иншоотнинг каерда ишлатилишига караб хар хил дефектлар ва узгаришлар булиши мумкин. Шу факторларни бахолаш учун текширилган конструкцияларни классификация килиш керак. Конструкциялар темирбетондан, бетондан, металдан ва факатгина узига хос узгаришлар ва деффе́ктларга эга булиши мумкин. Шунинг учун хар бир элементни алохида-алохида текшириб чикиш керак.

Фундамент ва асосларни текшириш. Реконструкцияга мулжалланган бинони текширишда фундамент ва асосларнинг юк кутариш кобилиятини аниклаш керак. Текшириш ишларини инженер-геологик ва гидрогеологик ишлардан бошлаш керак. Асосларни текшириш КМК буйича олиб бориш керак. Асосларни ва фундаментларни мухандис геологик текширувлани иш чизмасисиз хам килиш мумкин. Мабадо деформациялар бинони юкори кисмида аникланса, купинча сабаб булиб бинонинг ноте́кис кучиши булади. Бундай текширишларни шурфлар ёрдамида килинади. Шурфлар сони ва каердан олиниши хар гал конкрет холда аникланади. Шурфларни хар бир конструкцияда энг куп юк тушадиган ва юк кам тушадиган жойлардан олинади (ташки, ички деворлар ёнидан, колонналар ёнидан, фундаментлардан). Шурфлар албатта кушимча куриладиган бинонинг майдончасидан хам олинади. Шурфларни фундаментдан 0,5-1 м чуқуррокдан олинади. Фундаментни типи аникланади, конструкцияси аникланади, размерлари аникланади. Кандай чуқурликда булиши, гидроизоляция куйилгани аникланади. Шу текшириш натижасида материалларни физик-механик ва физик-кимёвий хоссалари аникланади. Козик (свайный) фундаментларни уларнинг диаметри, сони ва кандай чуқурликга жойлашганлигини ва геофизик усуллар ёрдамида аниклаш мумкин. Грунтларни физик-механик хусусиятларини аниклаш учун лабораторияда иш бажарилади. Шу материални структураси узгарган ёки узгармаганлигини аниклаш учун солиштирма огирлиги, зичлиги, намлиги, грунтни сикилишга ва киркилишга булган каршилиги аникланади. Эксплуатация килинаётган бинони асосини текшириш натижасида практикада аникланадики, грунтни куринишини, намлигини инобатга олиб ва бино тагидаги асос прессланиб сикилишга булган каршилиги 25% ошиши мумкин. Лабораториядан олинган натижаларни анализ килинганда КМК лардан фойдаланиш керак: «Бино ва иншоотларнинг асослари», «Асос ва пойдеворлар», «Козик пойдеворлар».

Калит сузлар: дефект, асос, фундамент, юк кутариш кобилияти, шурфлар.

Саволлар

1. Конструктив элементларни текшириш натижасида қандай классификация қилинади?
2. Асосларни текшириш ишлари қандай олиб борилади?
3. Шурфлар сони қандай аниқланади?
4. Грунтларнинг қандай қисмларидан текшириш намуналари олинади?

Адабиёт

1. КМК 2.08.01-94 «Турар жойлар», Тошкент 1995.
2. «Реконструкция зданий и сооружений» (Под ред. А.Л. Шагина) М, Высшая школа, 1991
3. Поляков Л.Д. «Реконструкция и капитальный ремонт зданий и сооружений». Киев, УМ. КВО, 1989.
4. КМК 2.08.02-96 «Общественный здания и сооружения» Ташкент 1997.

БЕТОН ВА ТЕМИРБЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАРНИНГ ДИАГНОСТИКА УСУЛЛАРИ

Режа

1. Юк кутарадиган конструкцияларнинг дефектлари
2. Эксплуатациядан олдин пайдо булган ёриклар
3. Эксплуатация вақтида ҳосил булган ёриклар.

Реконструкция қилинаётган бино ва иншоотларнинг бетон ва темирбетон конструкцияларни текшираётган вақтда албатта КМК талабларини инобатга олиш керак. Юк кутарадиган конструкцияларни проектланаётган вақтда ва ҳисоб бўйича текшириш натижасидан дефектларга қараб қуйидаги типларга бўлиш мумкин:

1. Конструкцияни юк қутариш қобилияти қамайган
2. Шу конструкцияда шундай дефектлар аниқланадики, бу конструкцияларни умуман ишлатиб бўлмайди.

Масалан: қузилиш зонасида эгилувчан элементларда ёриклар пайдо бўлиши мумкин. Ёриклар $a = 0,4$ мм дан катта бўлса, хавфли ҳисобланади.

1-категория ёриклар умуман бўлиши мумкин эмас, лекин конструкцияларни текшираётган вақтда дарзлар қайси вақтда пайдо булганлигини аниқлаш керак. Дарзлар пайдо бўлиш вақтлари: конструкцияларни тайёрлашда, транспортировкада, монтажда ва эксплуатация вақтида атроф муҳитнинг таъсирида. Эксплуатациядан олдин пайдо булган ёриклар. Бу ёрикларга усадка ёриклари қиради. Бундай ёриклар бетоннинг

устки катлами тез куриши натижасида ва бетоннинг хажми тез кискаришидан хосил булади.

1. Технологик ёриклар махсулот тайёрлаш процессида хосил булади. Бундай ёриклар конструкцияни нотугри жойлаштириш, тахлаш ва тайёрлаш вақтида содир булади.

2. Эксплуатация даврида хосил буладиган ёриклар. Температура деформацияси натижасида хосил булган ёриклар, грунтларнинг нотекис чукишидан хосил булган ёриклар, темирбетон конструкцияларнинг юк кутариш қобилятидан купрок куч таъсир қилинса, эгилиш натижасида хосил булган ёриклар. Асосан бино нотекис чукса, ёриклар пайдо булади. Текис чукса, ёриклар булмайди.

Калит сузлар: дефект, чузилиш зонаси, ёриклар, эксплуатациядан олдин, эксплуатация вақтида, нотекис чукиш.

Саволлар

1. Юк кутарадиган конструкцияларни дефектларга қараб қандай турларга бўлиш мумкин?
2. Қандай ёриклар эксплуатациядан олдин хосил бўлиши мумкин?
3. Қандай ёриклар эксплуатация даврида хосил бўлиши мумкин?

Адабиёт

1. КМК 2.08.01-94 «Турар жойлар», Тошкент 1995.
2. «Реконструкция зданий и сооружений» (Под ред. А.Л. Шагина) М, Высшая школа, 1991
3. Поляков Л.Д. «Реконструкция и капитальный ремонт зданий и сооружений». Киев, УМ. КВО, 1989.
4. КМК 2.08.02-96 «Общественный здания и сооружения» Ташкент 1997.

РЕКОНСТРУКЦИЯНИ ЛОЙИХАЛАШ. ЮКЛАНИШ ВА ТАЪСИР ҚИЛАДИГАН КУЧЛАР

Режа

1. Юкланиш ва таъсир қиладиган кучлар
2. Вактинчалик кучлар
3. Киска муддатли кучлар
4. Махсус юкланиш.

Реконструкция вақтида нагрузка ва таъсир қиладиган кучлар худди янги объектларни лойиҳалаш вақтидаги статик узгаришлари инобатга олинади. Реконструкцияни лойиҳалаш вақтида таъсир қиладиган нагрузкалар вақтинча

ва доимий булади. Доимий нагрузкалар юк кутарувчи ва ёпма конструкцияларнинг огирлиги, грунтларнинг босими хисобланади.

Вактинчалик нагрузкалар махсус, узок муддатли ва киска муддатлиларга булинади.

Узок муддатли вактинчалик нагрузкаларга стационар ва технологик асбоб ускуналар огирлиги киради: суюклик ва газларнинг босими, узок муддатли температуралар таъсири, кисман ишлатиладиган краннинг огирлиги, кор.

Киска муддатли: одамларнинг огирлиги, асосан ремонт вактида асбоб-ускуналар огирлиги. Кисман транспорт, кор ва шамолдан тушадиган нагрузкалар.

Махсус: авария вактида, зилзила вактида, портлаш вактида буладиган, асосни нотекис чукиши нагрузкалари киради.

Бино ёки иншоот реконструкция килинаётган вақтда шунга интилиш керакки вактинчалик таъсир киладиган нагрузкалар имконияти боричакамайтириш мумкин булса кисман доимий нагрузкаларни камайтиришга харакат килиш керак. Эски конструкцияларни норматив ва хисобланган характеристикаларни синаш асосида аникланади (бузадиган ва бузмас методлар билан). Хисоблаш вактида ишлаш коэффиценти инобатга олиш керак. Конструкцияларни кушимча нагрузкаларга хисобланаётган вақтда албатта фактик прогиб инобатга олиниши керак ва деформацияларни, айникса, сикилган ва чузилгн зоналарни албатта инобатга олиш керак.

Калит сузлар: юкланиш, таъсир киладиган кучлар, доимий юклар, вактинчалик юклар.

Саволлар

1. Бинога юкланиш кучлари кандай таъсир килади?
2. Доимий кучларга кандай кучлар киради?
3. Кандай таъсир килувчи кучларга вактинчалик кучлар дейилади?
4. Конструкцияларни кушимча юкланишга хисоблаётганда нималарни инобатга олиш керак?

Адабиёт

1. КМК 2.08.01-94 «Турар жойлар», Тошкент 1995.
2. «Реконструкция зданий и сооружений» (Под ред. А.Л. Шагина) М, Высшая школа, 1991
3. Поляков Л.Д. «Реконструкция и капитальный ремонт зданий и сооружений». Киев, УМ. КВО, 1989.
4. КМК 2.08.02-96 «Общественный здания и сооружения» Ташкент 1997.